

НИШОШ

13-mart,
chorshanba
12

(223)

YURIDIK GAZETA

Mart				
D	4	11	18	25
S	5	12	19	26
Ch	6	13	20	27
P	7	14	21	28
J	1	8	15	22
Sh	2	9	16	23
Y	3	10	17	24
2002				

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг
ҚАРОИ**
Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг саккизинчи сессиясини
чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-
сининг саккизинчи сессияси 2002 йил 4 апрель куни Тошкент
шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси


Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 5 март.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сакки-
зинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар кир-
ритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси референдумининг аяқлари
тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикаси референдумининг қарорлари-
ни амалга оширишга доир қонун ижодкорлиги ишлари кон-
пенцияси тўғрисида.
3. «Референдум аяқлари ҳамда давлат ҳокимиятининг
қонуни чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ташкил
этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон
Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2001
йилдаги ижроси тўғрисида.
5. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси
лоиҳаси ҳақида (иккинчи ўқш).
6. «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Респуб-
ликаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқш).
7. «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Респуб-
ликаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқш).
8. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш
кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни
лоиҳаси ҳақида (иккинчи ўқш).
9. «Чиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси
Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқш).
10. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатла-
рига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
11. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация
қилиш тўғрисида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокама-
сига Олий Мажлис ваколатига таллуқли бошқа масалалар
ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.



М. НУРИНБОВЕВ ФОТОСИ

Яхшидан боғ қолур

**Чоршанбадан
Чоршанбагача**

6 март

Олий Мажлисда парламент-
нинг саккизинчи сессиясига
тайёргарлик кўриш ва уни
ўтказиш бўйича депутатлар
ишчи гуруҳининг биринчи йи-
гилиши бўлиб ўтди.

Мажлисда ишчи гуруҳининг
келгусидаги ишлари режаси
тасдиқланди ҳамда сессия-
га тайёргарлик кўриш ва уни
ўтказишга доир масалалар
муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Ташқи ишлар 25
зирлигида ўтган йилнинг 25
январидида Исломободда им-
золанган Ўзбекистон Респуб-
ликаси билан Покистон-тон Исло-
м Республикаси ўртасида
экстрадиция тўғрисидаги
шартноманинг ратификация
ёриқларини алмашиш
тўғрисида протокол имзо-
ланди.

8 март

Пойтахтимиздаги муҳташам
Туркистон саройида 8 март
— Халқаро хотин-қизлар куни
муносабати билан тантана-
ли йиғилиш бўлиб ўтди.

11 март

Америка Қўшма Штатлари
президенти Жорж Бушнинг
таклифига биноан Ўзбекистон
Республикаси Президенти
Ислом Каримов ушбу мам-
лакатга расмий ташриф бу-
юрди.

Ташриф давомида олий да-
ражадаги музокаралар
ҳамда вазирлик ва идора-
лар, АҚШ Конгресси Сенати
ва Вакиллар палатаси аъзо-
лари, ишбилармон доиралар
ва жамоатчилик вакиллари
билан учрашувлар ўтказиш
режалаштирилган. Бир қатор
муҳим давлатлар-аро ва идо-
ралараро ҳужжатлар имзо-
ланиши кўзда тутилган.

● БУ ҲАҚДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЙИГИЛИШИДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ

Маълумки, Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг
яқинда бўлиб ўтган йиғилишида сўзлаган нутқида мамлакатни
2001 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида эри-
шилган натижаларни таҳлил этиш билан бирга, жорий йилда
иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлидаги устувор
масалаларни белгилаб берди. Юртбошимиз халқ депутатлари
Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида
ҳам бу соҳадаги энг муҳим вазифалар хусусида яна бир бор
тўхталиб ўтди.

Ер — энг бебаҳо бойлигимиз. Ризқ-
рузимиз манбаи. Шундай экан, бундай
ҳўжасизлик ҳолларига асло йўл қўйиб
бўлмайди.

Вилоят «Қишлоқхўжалиқимиз» дав-
лат ҳиссадорлик жамияти Жарқўрган
ва Музабот туманлари филиаллари-
нинг бир гуруҳ мансабдор шахслари
жуда кўп микдордаги минерал ўғитлари-
ни талон-торож қилганлиги аниқланди.

«Учқизилиқимизтаминот» ҳиссадор-
лик жамиятида ўтказилган текшириш-

ТЎСИҚЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТАЙЛИК

Давлатимиз раҳбари ҳар иккала йи-
гилишида ҳам мамлакатимизда олиб бо-
рилаётган бунёдкорлик ишларига тўсиқ
бўлаётган муаммолар ҳақида қўйин-
чаклик билан гапирди. Вилоят проку-
ратураси органлари олиб бораётган
назорат ва текширувлар чоғида ҳам
жиждий қонунбузилиш ҳолатлари аниқ-
ланди.

2001 йил ва шу йилнинг ўтган дав-
рида биргина ердан фойдаланиш тўғри-
сидаги қонун ижроси текширилганда,
154 ҳолатда ердан мақсадсиз ва ўзбо-
шимчалик билан фойдаланиш ёки та-
лон-торож қилганлик аниқланиб, айб-
дор шахслар маъмурий ҳамда жиноий
жавобгарликка тортилган.

Мисол учун, Сарийосё туманидаги
Хидиров номли ширкат ҳўжалиги раиси
А.Мустафоқулов томонидан 17 гектар ер
ассосиз равишда фуқароларга томорқа
сифатида бериб юборилган. Бу билан у
ўз мансаб ваколатини қўпол равишда
сууистеъмол қилган.

Шўрчи туманидаги «Малоҳат» фер-
мер ҳўжалиги раҳбари Ф.Бобоназаров
ҳам пахта ва галла экилиши лозим бўлган
8 гектар ерни ўзбошимчалик билан фу-
қароларга бўлиб берган. Бунинг устига
яна 3 гектар ерга ўзи полиз ва сабзавот
экинлари экиб олган.

Уларга нисбатан ҳозирда жиноят иш
кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб
борилмоқда.

да мазкур ташкилотнинг солиқ бош-
лиги Р.Қурбонов, Жарқўрган тумани-
даги филиал солиқ мудирлари Н.Тош-
матов, А.Айназаров, солиқ бош ҳисоб-
чиси Х.Хидиров, омбор мудирлари Э.Ер-
лаев, Б.Жовқашов, Музабот тумани-
даги филиал омбор мудир Ж.Шари-
повлар ўзаро жиноий тил бириктириб,
руйхатдан ўтказилмаган сохта ишонч
хатлари орқали 2000 йил давомида
олинган маҳсулотларни ўз ташкилот-
ларига қирим қилдирмасдан, расмий
ҳўжжат ва ҳисоботларга сохта ёзувлар
киритиш йўли билан 300 миллион 192
минг сўмлик минерал ўғит ва захарли
химикатларни ўзлаштиришган.

(Давоми 2-бетда.)

Моҳият

Ким истаса салтанат,

саходир анга шарт,

Ҳар ваъдаки, айласа,

вафодир анга шарт.

Алишер НАВОЙИЙ

TV-АНОНС

«Қонун ҳимоясида» телегуруҳининг навбатдаги кўрсату-
ви эфирга тайёрланмоқда. Кўрсатувнинг бу галги сони
Қашқадарё вилояти прокуратураси органлари фаолияти-
га бағишланади. Кўрсатувда воҳа қишлоқ ҳўжалигида
ислохотларни чуқурлаштириш, жиноятчиликка қарши
курашиш, вояга етмаганлар ижтимоий ҳимоясини
таъминлашга қаратилган қонунлар ижросини назорат
қилиш борасидаги прокуратура ходимларининг саъй-
ҳаракатлари хусусида сўз юритилади.
Кўрсатув 19 март, сешанба куни, ЎзТБ 1- канали орқали
соат 18.45 да, 20 март куни эса 15.45 да тақдоран
намоиш этилади.

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar:

O'zbekiston Respublikasi

Bosh prokuraturasi,

Toshkent shahar va

Toshkent viloyati

prokuraturalari,

«Onun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq

ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,

Dilshod Islomov

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Shavkat Yodgorov

(mas'ul kotib),

Lola Shomurodova,

Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar:

133-82-34

E-mail: huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas'ul.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat abamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida ofset usulida A-3 formatda chop etiladi.

Konona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149

Nusxasi — 20.500

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00

Bosmaxonaga topshirildi 20.00

Gazeta hafifning chorshanba kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir:

H. NISHONOV

Navbatchi: F.MAMASHARIPOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

● БУ ХАҚДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЙИГИЛИШИДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)
Мазкур ҳолат юзасидан айбдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилиб, улардан етказилган моддий зарар ундириб олинди. Ҳозирда ушбу иш бўйича текширувлар давом эттирилмоқда.

Газдан конунисиз равишда фойдаланиш ва уни ўғирлаш ҳоллари ҳам кўплатиб учраб турибди.

Мисол учун, Термиз шаҳрида яшовчи фуқаро П.Худойназаров тегишли рухсатнома олмастан ўз уйда автомашиналарни тазмирлаш ва бўйиш устаконаси очиб, устаконига ўзбошимчилик билан газ қувурлари ўтказиб олади. Бўйилган автомашиналарни қуритиш хонасига узунлиги 9 метрли газ ёқилдаган трубалар ўрнатилган. Шу тарихга газдан ноқонуний фойдаланиб келиб, давлатга 396 минг сўмлик зарар етказган.

Ушбу ҳолат юзасидан ЖКнинг 229-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган.

Умуман, табиий газдан қарздорлик бўйича ўтказилган текширувлар давомида 100 миллион сўмдан ортиқ маблағнинг ихтиёрий равишда тўланишига эришилди.

Лекин, бу борадаги дебитор қарз-

ТЎСИҚЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТАЙЛИК

дорлик 1 млрд. 39 миллион сўми ташкил этмоқда. Шундан мuddати ўтган қисми 795 миллион сўмга тўри келади.

Ушбу ҳолатлар прокуратура томонидан таҳлил этилиб, ҳозирда тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Ислохотлар йўлида тўсиқ бўлаётган яна айрим йўллар борки, бу хусусда ҳам тўхталиб ўтиш лозим.

Биринчиси, иш ҳақи масаласи.

Вилоят прокуратура органлари иш ҳақидан қарздорлик муаммоларига ҳам алоҳида эътибор билан қараб келимоқда. Ўтган йили бевосита прокуратуранинг аралашуви билан 800 миллион сўмдан ортиқ ана шундай қарз ишчи-хизматчиларга тўланиши таъминланди.

Бунда айбдор масъул-мансабдор шахслардан 6 нафари жиноий 254 нафари маъмурий ва интизомий жазага тортилди.

Шунга қарамастан, бугунги кунда вилоят бўйича яна 139 миллион сўмдан зиёд иш ҳақи тўланмасдан турибди.

● ФЕЛЪЕТОН

Ўтган йили Сурхондарё вилоятида галла ўрими-йиғимида масъул бўлган бир гуруҳ амалдорлар янги «ўйин» «ихтиро» қилишди. Бу шундай ғаройиб «ўйин»ки, ҳали бунақаси бўлмаган.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 14 майдаги «2001 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилининг ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олинишини ҳамда давлат эҳтиёжлари учун дон сотиш бўйича контрактация шартномалари бажарилишини таъминлаш тўғрисида»ги ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг 2001 йил 22 майдаги қарори бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят «МТПлар бирлашмаси» ҳиссадорлик жамияти раиси Тўймурод Отамуродов 2001 йил 24 майда имзоланган 61-сонли буйруқда жумладан қуйидаги сўзлар бор эди:

«— Мавсумда кам ҳаражат қилиб, вилоятда энг кўп галла майдонини ўрган комбайнчилар қуйидаги қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирлансинлар:

— биринчи ўрин — «Тико» автомашинаси;

— иккинчи ўрин — рангли телевизор;

— кейинги ўринни олганлар ҳам телевизор, гилам, сервис совғалари билан.

Ушбу буйруқнинг бажарилишини ўз зиммамда қолдираман».

Т.Отамуродов гапга чечан, билалон одами. У ўзининг бу ташаббусини икки оғиз сўз билан изоҳлади: «Агар пишиб етилган галла қисқа мuddат ичда ўриб-йиғиб олинмаса, ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлади. Дон ерга тўкилиб кетади».

Раис ҳақ эди. Унинг бу фикрини катта-кичик амалдорлар қўллаб-қувватлади. Жойларда кўпдан-кўп йиғинлар ўтказилиб, мазкур буйруқнинг маъмурий-моҳияти ҳар бир комбайнчининг қўлуғига қўйилди.

Комбайнчилар энг шимариб ишга киришдилар. Кеча-у кундуз ким ўзарга тер тўкишди. Етиштирилган ҳосил қисқа мuddатда саранжомлаб олинди. Сурхондарёлик азаматлар республикада биринчи бўлиб давлатга дон сотиш буюртмасини бажардилар. Ва шу муносабат билан юртбошимизнинг табрик телеграммасыни олишга муваффақ бўлишди. Бу катта шараф эди.

Табригу олқишлардан руҳланиб кетган Т.Отамуродов яна «фармон» берди: «Буйруқ. 23 июль 2001 йил.

Жумладан, Қумқўрғон туманидаги 275-механизациялашган қурилиш жамланмасининг масъул мансабдор шахслари ўз вазифаларига совуқонлик билан қараб келишган. Натияжада ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан 3 миллион 885 минг сўм мuddати ўтган қарздорликка йўл қўйганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан ушбу жамлоа раҳбари Т.Норбутаев ва бошқаларга нисбатан ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Президентимизнинг нутқида фермерлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини имтиёзли ҳамда микрокредитлар бериш орқали қўллаб-қувватлаш муҳим эканлиги ўқтирилган. Афсуски, ана шундай хайрли ишда таъмағирлик йўлига ўтиб олган кимсалар ҳам йўқ эмас.

Шўрчи туманидаги «Галлабанк» бошқаруви раиси Б.Абдураимов тадбиркор Х.Бегимовдан кредит бериш эва-

зига 100 минг сўм пора олган пайтда ушланди. Ёки вилоят миллий банки Шеробод филиали кредит бўлими мутахассиси Х.Бекназаров ҳам худди шундай жиноят устида қўлга олинди.

Вилоят прокуратурасида Президентимизнинг юқорида айтиб ўтилган аниқланганда маърузалари ва тегишли ҳукумат қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш мақсадида махсус ишчи гуруҳи тузилиб, зарур тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Шу масала яқинда барча туманлар ва шаҳар прокурорлари, вилоятдаги барча назорат органлари раҳбарлари иштирокида муҳокама этилиб, тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Уйлаймизки, бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар ўз ижобий самарасини беради.

Ф. БОЙЗОҚОВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

3-ўринга — Термиз МТП АЖ дан «Кейс» комбайни оператори В.Бобомуродов — 767 гектар».

Шундан сўнг Термиз шаҳрида галла ўрими-йиғими якуни муносабати билан вилоят комбайнчилари ва бошқа техник ходимлари шара-

сўрайди. Бироқ раисдан «Мен сенга машина берганим йўқ. Мукофотни ким берган бўлса, ўшандан бориб талаб қилинг», деган жавобни эшитди. Кейин Отамуродовга қатнайвериб чарчайди. Аммо у ҳам «Кутинг. Ҳал қилиб бераман», дея қўйини пуч ёнғоққа тўлғазишдан нарига ўтмайди. Ниҳоят, тоқати тоқ бўлган Фармонов 2001 йил 26 ноябрда вилоят ҳокими номига ариза ёзади. Ҳоким эса ушбу аризани вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи муовини Ш.Ориповга юборади. Бу жаноб уни Т.Отамуродовга йўллади. Кузатув хатида «Шахсан ўзингиз шугулланиб, ҳал қилинг. Ариза муаллифи ва вилоят ҳокимлигига ахборотнома тайёрланг», дея қайд этилган. Шунга қарамастан раис жаноблари хатни муовини О.Толлиевга ўтказган: «Ҳал қилиш чораларини кўриб, натижаси ҳақида вилоят ҳокимлиги ва муаллифга маълум қилинг».

О.Толлиев ҳам анойи эмас. У ҳам «Мен сендан камми?» қабилида иш туттади. Ва топшириқни ўзгалар зиммасига юклаш билан қутулади. У ҳатто вилоят ҳокимлиги ва ариза муаллифлари номига бир энлик жавоб хати ёзишни ҳам ўзига эп кўрмайди. Шу тарихга ариза оқибатсиз қолдирилади.

— Охири сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдим, — дейди Б.Фармонов. — Ўшанда тақдирлаш тадбирида менга автомашина калити берилиши ва «Тико»га ўтириб, бир дақиқа уни бошқариш жараёни вилоят ва республика телевидениеси орқали кўрсатилди. Бу ҳақда туман ва вилоят газеталарида шов-шув кўтаришди. Охир-оқибатда қўни-қўшни ва ҳамқишлоқлар олдида шарманда бўлдим.

— Мен тушунмай қолдим, — дейди «ғолиб» комбайнчи алам билан. — Нима, мени кўпчилик кўз олдида шунчаки мукофотлашганимми? У ҳолда бу кўзбўямачилик, оддий халқни алдаш эмасми?

Афсуски, биз ҳамсўхбатимизнинг бу саволларига жўяли жавоб қайтара олмадик.

Буйруқлар, бошқа ҳужжатлар, видеотасмалар билан танишиб, кўплар қатори мен ҳам бир нарсасга ҳайронман: мукофотга берилган «Тико» қайсига қайсига бўлган ўзи?

К. ЖўРАНАЗАРОВ,
«Ҳуқуқнинг махсус муҳбири



№79. Термиз шаҳри. 2001 йил галла ўриш мавсумининг қисқа мuddатда муваффақиятли якунланганлиги ҳамда жамиятнинг 2001 йил 24 майдаги 61-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Тизимдаги туман МТПлари механизаторлари ўртасида кам ҳаражат қилиб, энг кўп галла ўрган комбайнчини аниқлаш мақсадида вилоят «МТПлар бирлашмаси» ҳиссадорлик жамияти ходимларидан иборат қуйидаги тартибда ишчи комиссияси тузилсин: комиссия раиси — Ч.Менгиёзов. Аъзолари — У.Менгиёбов, У.Атипов, Д.Шарилов, А.Норкулов.

2. Ишчи комиссиясига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

— ҳар бир комбайнчи ўрган майдонлар тўғрисида маълумот олиб, кўриб чиқсин;

— комбайнча қилинган ҳаражатларни аниқлаш;

— комбайндан фойдаланиш қонун ҳақидаги таҳлил қилиш;

— энг илғор комбайнчиларни аниқлаб, уларнинг рўйхатини бирлашмага тақдим қилиш».

Мазкур комиссия орадан кўп ўтмай йиғилиш ўтказиб, унда қуйидагича қарор қабул қилган:

«1-ўринга — Музработ МТП АЖ дан «Кейс» комбайн оператори Б.Фармонов — 970 гектар.

2-ўринга — Жарқўрғон МТП АЖ дан «Кейс» комбайн оператори О.Қиличев — 837 гектар.

фига катта базму жамшид уюштирилади. Унда, жумладан, Музработ машина-трактор парк «Кейс» комбайни катта ҳайдовчиси Баҳром Фармонов шаънига ҳам қопқоп мақтов гаплар айтилади. Сўнг моҳир механизаторга мукофотга «Тико» энгил автомашинаси берилиши эълон қилинади. Шахсан вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи С.Жўраев қўлини баланд кўтариб, автоулов калитини анжуман иштирокчиларига кўз-кўз қилган. Баҳромни маҳкам бағрига босиб, табриқлайди. Ва калитни унинг қўлига тутқади. Қўярда-қўймай уни бир неча кадам нарида турган сўтдек оппоқ «Тико»га ўтиргизишади. Ҳатто «ғолиб» комбайнчи қийқириғу қарсақлар остида ўзига совға қилинган «учқур тулпор»ни бир неча метр ҳайдайди ҳам. Бундай қувончли дақиқалар йиғинда ҳозир бўлган телевидение ходимлари томонидан тасвирга туширилади. Бироқ анжуман туғаш биланок Баҳром — Музработ машина-трактор парк «Кейс» ҳиссадорлик жамияти раиси Эркин Жумаев ёнига қақиради.

— Калитни ол буёққа, — дейди у.

— Нимага?

— Сўраб нима қиласан. Гап бор.

Шу-шу Фармонов машинанинг қорасини ҳам кўрмади.

«Ғолиб» комбайн ҳайдовчиси Э.Жумаева бир неча мартаба учрашиб, «Машина нима бўлди. Уни олишга ҳақим борми?» деб

«ХУКУҚ»

почтасидан



Хатлар,
шикоятлар,
жавоблар

Қонун лойиҳаси
умумхалқ муҳокамасида

И.ХОЛБЕКОВ,

Самарқанд вилоят

прокурорининг ўринбосари:

«Сугурта фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фуқаролар ва юридик шахсларни сугурталашда ҳуқуқий муносабатларни қонун йўли билан тартибга солишга қаратилган. Лойиҳада асосий ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида кўрсатилган бўлса-да, айрим моддалар билан тўлдирилиши лозим.

Жумладан, лойиҳанинг 15-моддаси 2-қисмида «Лицензияни амал қилиши тугатилган кундан эътиборан беш иш куни ичида махсус ваколатли давлат органи сугурталовчинни мажбурий тугатиш тўғрисидаги ариза билан қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат этиши шарт», деб кўрсатилган. Ушбу бандда лицензиянинг амал қилиши тугатилгандан кийин ҳуқуқий манфаати бузилганлиги мазмунан аниқ эмас. Амалдаги қонунларга кўра кимнинг ҳуқуқи бузилган бўлиб, ҳуқуқини бузган томон билан ўзаро келиша олмаган низоларни судда томондан ҳал қилиниши белгиланган. Шунга кўра, лицензиянинг амал қилиниши тўхтатиш ваколат берилган орган томонидан кўриб ҳал қилиниши мақсадга мувофиқ бўларди.

Бундан ташқари, томонларнинг судга мурожаат этиши шарт деб кўрсатилиши, уларнинг ҳуқуқий эркинлигини чегаралаб қўяди. Чунки, Конституция ва қонунларда ҳуқуқи бузилган жисмоний ёки юридик шахс бузилган ҳуқуқини тиклашда судга мурожаат қилиш мумкинлиги белгиланган. Лекин бу унинг мажбуриятга кирмайди. Шу боис, лойиҳанинг 15-моддаси 2-қисмини «Лицензиянинг амал қилиши тугатилган кундан эътиборан беш иш куни ичида махсус ваколатли давлат органининг ўзи томонидан кўриб ҳал қилинади», деб кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Қонун лойиҳасининг 24-моддаси 1-қисмида «Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, табибёт, сеисмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар сугурталовчиларнинг сўровига кўра сугурта хадисаларининг юз бериши сабаблари ва ҳолатлари тўғрисида»ги ҳамда сугурталовчиларга сугурта тўлови микдорларини аниқлаш мақсадига етказилган зарар тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва хулосаларни тақдим этишлари шарт», деб кўрсатилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларда сугурта хадисаларининг юз бериш сабаблари ва ҳолатлари тўғрисида маълумотлар бўлмайди. Сугурта қилдирувчи билан сугурталовчи ўртасида келиб чиққан ҳар қандай низолар охириги ҳолатда судда кўриб, ҳал қилинади. Шунинг билан, ушбу модданинг 1-қисмидаги «Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар», деган сўзларни қириқиб қўйиш лозим.

Лойиҳанинг 28-моддаси 1-қисмида «Сугурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда сугурта бозорининг профессионал иштирокчиларига нисбатан махсус ваколатли давлат органи қўйиладиган иқтисодий жарималарни қўллаши мумкин», деб кўрсатилган. Лекин, ваколатли давлат органларининг аниқ номлари кўрсатилмаган. Шу боис, лойиҳанинг ушбу моддасида иқтисодий жарималарни қўллаш ваколатига эга бўлган давлат органларининг номлари аниқ кўрсатилса, тушунарли бўларди.

ЎҒРИ ҚИДИРИЛМОҚДА

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани «Мачай» ширкат ҳўжалигида яшовчи фуқаро Р.Холмўминов тахририятга ариза билан мурожаат қилиб, ҳўлисидаги 6 дона болор ўғирлаб кетилганлиги ҳамда маҳалладошлари Ю.Худойшукуров ва Я.Олимназаровлар унга тан жароҳати етказганлиги туфайли туман ИИБга ёзган аризаси участка нозирни М.Ражабов томонидан қонуний текширилмаганлиги хусусида шикоят қилган эди.

Яқинда ушбу шикоят юзасидан Сурхондарё вилоят прокурорининг ўринбосари Х.АБДУВОҲИДОВ имзоси билан олинган расмий жавобда, жумладан, шундай дейилади:

«Фуқаро Р.Холмўминовнинг аризаси Бойсун тумани прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, туман ИИБ профилактика инспектори М.Ражабов Р.Холмўминовнинг аризаси юзасидан текшириш ўтказиб, фуқаролар Ю.Худойшукуров, Я.Олимназаров ва Р.Холмўминовга нисбатан МЖТКнинг 52-моддаси 2-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир баённома тузган. Тўпланган материаллар 2001 йил 10 октябрь куни туман судига юборилган. Маъмурий иш судда кўриб чиқилиб, уларнинг ҳар бири 7850 сўмдан жаримага тортилган.

Бундан ташқари, ариза бўйича вилоят ИИБ томонидан 2002 йил 23 январь куни ўтказилган хизмат текшируви якунига кўра, М.Ражабовнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари 2002 йил 3 февраль куни Бойсун туман ИИБ да кўриб чиқилиб, муҳокама билан чегараланган.

Р.Холмўминовнинг уйда содир этилган ўғирлик ҳолати бўйича эса ҳозирги вақтда туман ИИБ ЖҲБ ходимлари томонидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилаётган.

Бу ҳақда ариза муаллифига ёзма жавоб берилди».

«АСЛ САБАБ НИМАДА?»

«Хуқуқ», 6-сон, 2002 йил

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 сентябрдаги «Табиий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 439-қарорига асосан «Ўзгасотиш» шўба корхонаси ташкил этилиб, истеъмолчиларга табиий газни «Вилоятгазташминот» корхоналари тасарруфидоги қурувлар орқали уч томонлама шартнома асосида етказиб бериш назарда тутилган.

Мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, яъни аҳолини газ билан узлуксиз таъминлаш «Фарғонавилоятгазташминот» шўба корхонаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари вазиносига қиради. Корхона ўз тасарруфидоги газ тармоқлари иши устидан назоратни қўқатириб, истеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда тармоқни мавсумий ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш шарт.

М.МИРЗАЕВ,
«Ўзгасотиш» шўба корхонаси директори

АЙБИНИ АЙТИБ ИШДАН АЙРИЛГАН

Бир жойда, бир ташкилотда ишлаётган кишиларнинг аҳиллиги, ҳамжихатлиги кўзланган мақсадга эришишда гоят катта аҳамиятга эга. Бунинг акси бўлса-чи? Халқимиз бу ҳақда «Тўртовлон тугал бўлса унмаганни ундирар, олтовлон ола бўлса оғзиданги олдирад» деб қўйибди. Ҳозир Бекобод туман ноғиронлар жамиятида шунга ўхшаш ҳолат кузатилади. Биринчи гуруҳ ноғирони Б.Орзиев жамият раиси С.Усмоновнинг қонунга хилоф ишлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига унга нисбатан «негадир» (Б.Орзиевнинг наздида, албатта — тахр.) чора кўрмаётганлиги хусусида шикоят ёзишдан тўхтамапти. С.Усмонов эса «шикоятчи» ўринбосарини ишдан бўшатиб юборган.

Уттан йили Б.Орзиевнинг тахририятимизга ёзган шикоят хати текшириш учун Бекобод тумани прокуратурасига юборилган, туман прокурори А.Маҳмудовнинг расмий жавоби эса «Усмонов қонунни бузган, бироқ...» сарлаҳаси билан газетдада эълон қилинган эди (46-сон, 21 ноябрь). Жавобда, жумладан, шундай дейилади:

«С.Усмонов ўз ихтиёрида бўлган жамият мүлкни растрата йўли билан талон-тороқ қилиб, жамиятга жиддий зиён етказган. Унинг ушбу ҳаракатларида ЖКнинг 167-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган жиноят аломатлари мавжуд. Бироқ, 2001 йил 22 августда чиққан «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармоннинг 6-моддасига асосан унга нисбатан жиноят иши қўзғатилмади».

Шикоятдаги иккита ҳолат, яъни «туман солиқ инспекцияси тафтишичи С.Холбеков тафтиш ўтказиб, қонунга зид қилган ишлар, хатокамчиликларни аниқлаб, керакли идораларга тақдим этса-да, негадир С.Усмоновга нисбатан бирон-бир чора кўрилмаганлиги ҳамда Б.Орзиевнинг ноҳақ ишдан бўшатирилганлиги ҳақидаги саволлар очик қолганлиги

Мададталаб мактуб

ҲАҚИМНИ ТАЛАБ ҚИЛАМАН

Мен Бекобод шаҳар ИИБ кўриқлаш бўлимида ишлайман. Етти нафар ҳамкасбим билан 1999 йил 1 январдан 10 майгача Бекобод тумани ДВЗ пахта заводидида шартнома асосида меҳнат қилган эдик. Аммо ҳалигача иш ҳақимизни ологанимиз йўқ. Завод раҳбариятига бир неча марта қилган мурожаатимиз самара бермади. Ушбу масалани ёрдам беришларингизни сўрайман.

Зоир ОРЗИЕВ,
Бекобод тумани, Зафар шаҳарчаси

АРИЗАЧИГА ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

Шофиркон туманидаги Ж.Орипов номи ширкат ҳўжалигида яшовчи З.Файzieвнинг «Қонун ҳимоясида» бирлашган тахририятга ёзган аризаси туман прокуратураси томонидан кўриб чиқилди.

Аниқланишича, З.Файzieвнинг оилавий шароити оғирлиги ҳисобга олиниб, унга «Жўйработ» қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан 2000 йили жами 15750 сўм, 2001 йили жами 22050 сўм ёрдам пули, шу билан бирга 2001 йилнинг 6 ойи мобайнида 16 эша тўлмасан 3 нафар фарзанди учун нафақа пули берилган.

Бундан ташқари, З.Файzieвнинг турмуш ўртоғи марҳума М.Файzieва унга соли қасалиги билан оғриган беморлар руҳиятига киритилганлиги туфайли туман Қизил ярым ой жамияти томонидан моддий ёрдам кўрсатиб келинган. 2001 йилнинг 10 февраль куни у вафот этганини сабабли марҳуманинг номига келган махсусулотлар оиласига берилмасдан, жамият низомига кўра Америка Қизил ҳоч ташкилотига қайтариб топширилган.

З.Файzieвнинг Ж.Орипов номи ширкат ҳўжалигида шахсий томорқа ери ва уй-жойи бўлган. Бироқ у турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг ўз хоҳишига кўра уй-жойини сотиб, тумандаги Охунбобоев номи ширкат ҳўжалигига кўчиб кетган ва «Дўрмон» ҚФЙ ҳисобига кирган.

Туман прокуратурасининг аралашуви билан амалдаги қонунолар талаби тушунирилгандан кейин З.Файzieв «Дўрмон» ҚФЙ ҳисобидан чиқиб, «Жўйработ» ҚФЙ ҳисобига кирди ва унинг аризасига асосан 16 эша тўлмасан 3 нафар фарзанди учун 2002 йил 1 февралдан бошлаб нафақа тайинланди. Шунингдек, З.Файzieв Ж.Орипов номи ширкат ҳўжалигига ишга қабул қилиниб, оилавий пудрат шартномаси асосида унга 2 гектар торзор берилиди. З.Файzieвнинг ширкат ҳўжалигида 138400 сўмлик қарзи мазкур ердан оладиган даромади ҳисобидан туланишига келишилди.

Ҳозирги кунда З.Файzieв Ж.Орипов номи ширкат ҳўжалигида яшовчи У.Бўриевага уйланиб, унинг акиси Ф.Бўриевага тегишли ҳўлида оиласи ва болалари билан яшаб келмоқда.

З.Файzieвга аҳолининг ижтимоий ҳимоясига доир қонун талаблари тушунирилди ва ариза муаллифи текшириш якулидидан қаноат ҳосил қилди.

М.БЕКМУРОДОВ,
Шофиркон тумани прокурори

Чироқчи тумани прокуратураси томонидан Қорабуруғ қишлоғида яшовчи Қ.Ашуров ва Паканди қишлоғида яшовчи С.Элмуродовларнинг «Қонун ҳимоясида» бирлашган тахририятга ёзган аризаси юзасидан текшириш ўтказилди. Шикоятчилар ўз аризаларида туман ҳокими Ф.Ашуровнинг қарорига асосан уларга таъйиқ ўтказилиб, хусусий дўконлари ёпиб қўйилганлигини билдиришган.

Аниқланишича, Чироқчи шаҳар деҳқон бозоридида деҳқончилик маҳсулотлари билан саноат моллари савдоси аралашиб кетганлиги, аҳолига савдо хизмати кўрсатиши талабга жавоб бермай қолганлиги

АССОСИЗ ДАЪВОЛАР

ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 28 апрелдаги 200-қарорининг 2-қисмига 5-бандидан келиб чиққан ҳолда 2001 йил 13 сентябрь куни туман ҳокимининг «Чироқчи шаҳрида янги тижорат бозорини қуриш тўғрисида»ги қарори чиқарилган. Қарорга асосан шаҳарда янги бозор қуриб битказилиб, саноат моллари билан савдо қилувчи шаҳобчалар мазкур бозорга кўчирилган. Текширишда аризада келтирилган ваъжар тасдиқланмади, яъни тадбиркорлар фаолиятига ҳеч қандай тўсқинлик қилинмаган, уларнинг дўконлари ёпиб қўйилмаган.

Шунингдек, ушбу ҳолат юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туманлараро судига Қ.Ашуровнинг манфаатларини кўзлаб, жавобгар Чироқчи тумани ҳокими Ф.Ашуровнинг 2001 йил 13 сентябрдаги Х-313/9-сонли қарорини бекор қилиш ва етказилган 15000 сўм манавий зарарни ундириш ҳақида киритилган даъво аризаси 2002 йил 14 февраль куни судда кўриб чиқилиб, асоссизлиги учун қаноатлан-тирилмаган.

Қ.Ашуров ва С.Элмуродовларнинг аризасида кўрсатилган ваъжар тасдиқланмаганлиги сабабли оқибатсиз қолдирилиб, бу ҳақда муаллифларга жавоб хати юборилди.

Б.АНВАРОВ,
Чироқчи тумани прокурори

боис ушбу мавзуга яна қайтишни ният қилган эдик. Бу орада тахририятга яна бир мактуб келдики, унда Б.Орзиев кўчада дуч келиб қолганларида С.Усмонов «қўлингдан нима келди?» дея ҳақоратлаб унга кўл кўтарганлигидан шикоят қилиб, хатто ноғиронлар куни муносабати билан ёзилган байрам дастурхонига унинг тақлиф қилмаганлигини билдиради.

Ё алҳазар! Булар икки қап-қатта одамлар шаънига тўғри келадиган гаплар эмас. Аввало, амнистия акти қўлланганлиги ҳеч кимга бировни ҳақоратлаш ҳуқуқини бермайди.

Иккинчидан аса, бундай ҳолатда энг тўғри йўл бузилган ҳуқуқни тиклашни сўраб судга мурожаат этишдир.

Б.Орзиевнинг иккинчи хатини ҳам текшириш учун Бекобод тумани прокуратурасига жўнатган эдик. Яқинда туман прокурори А.МАҲМУДОВ имзоси билан расмий жавоб олди:

«Фуқаро Б.Орзиевнинг аризаси юзасидан текшириш ўтказилди. Бекобод тумани ноғиронлар жамияти раиси С.Усмоновдан жамиятга етказилган 35984 сўм зарарни жамият фойдасига ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

С.Усмонов Б.Орзиевни 2001 йил 30 ноябрь куни ҳақоратлаб бир мушт урганилиги масаласида туман ИИБ томонидан текшириш ўтказилган ва тулланган ҳужжатлар асосида С.Усмоновга нисбатан МЖТКнинг 183-моддаси билан маъмурий иш қўзғатилган. Жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судида мазкур маъмурий иш 2001 йил 27 декабрь куни кўриб чиқилиб, С.Усмоновга 2000 сўм миқдоридида жарима солинган.

Б.Орзиевга қонунда белгиланган тартибда туман ноғиронлар жамияти раисининг ўринбосари вазиносига тиклаш ҳақида фуқаролик судига мурожаат қилиши лозимлиги тушунирилди».


Нима ҳам дердик, низоининг қонуний ечим топишига ишонч билдира-миз.

Хатлар бўлими

«Парламентимиз, дарҳақиқат, катта йўлни босиб ўтди, ўзига хос тажрибалар орттирди, миллий қонунчилигимизни ярата оладиган мутахассислар шаклланди».

Ислон **КАРИМОВ**

ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ



Олий Мажлис Конституцияга асосланиб, қонун чиқариш фаолияти билан шуғулланади. Ўзбекистон Олий Мажлисининг қонунчилик жараёни тўрт босқичдан иборат. Улар: қонун лойиҳасини таклиф қилиш, муҳокама қилиш, қонун лойиҳасини қабул қилиш ва унга имзо чекиш ҳамда эълон қилиш.

Қонун чиқариш жараёнининг биринчи босқичи демократик жиҳатдан ўта муҳим бўлиб, қонунчилик ташаббуси амалга оширилиши билан фаоллашади. Ўзбекистон Конституциясининг 82-моддасида белгиланишича: «Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар».

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИ

Либераллаштириш сиёсати парламент ислоҳотларини ҳам ўзида мўжассам этади. Бу нафақат қонун чиқариш ваколатларини, балки мазмун ва моҳиятан бутунлай қайтадан кўриб чиқиш заруриятини талаб этади.

Ўзбекистон Президенти икки палатали парламентни тузиш тўғрисидаги ғояни илгари сураб экан, юқори палатани Олий Кенгаш, қуйи палатани Олий Мажлис деб аташ мумкинлигини билдиради.

Олий Кенгаш фақат вилоят кенгашлари ваколат берган шахслардан таркиб топади. Олий Мажлисга депутатлар эса умумий, тенг, тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Демак, юқори палата саралаб олинади, қуйи палата эса умумхалқ сайловида сайланади.

Ҳар бир мамлакат бир-биридан ўзининг алоҳида манфаати, мақсади жиҳатидан фарқ қилувчи ижтимоий гуруҳлар ва табақалардан иборат бўлиб, мураккаб тузилга эга. Бу ҳолатда мувозанатни сақлаш, жамиятдаги барча ҳудудлар, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатини ифодалаш парламентнинг юқори палатаси томонидан муваффақиятли равишда амалга оширилиши мумкин. Ушбу ҳокимият ўзининг алоҳида манфаатларини халқ манфаатидан устун қўйишининг олдини олиш мақсадида унга қонун нормаларини ўрнатиб эмас, балки фақат бекор қилиш ҳуқуқи берилди.

Икки палатали парламентнинг ташкил этилиши жаҳон давлатчилиги тараққиётида муҳим масала ҳисобланади. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида икки палатали парламентлар 45 тадан 70 тага кўпайди. Бундай парламентлар жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида самарали тарзда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Иккинчи палата қонун ижодкорлиги фаолиятининг тақомиллаштириш, қонунларнинг пухта ва узоқни кўзлаб ишланиши, енгил-ели қонун лойиҳаларининг ўтиш кетмаслиги учун қаролат бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, бундай тизим ижроия ҳокимияти билан бир палатали парламент ўртасидаги ортиқча тортишуларнинг олдини олади. Бир сўз билан айтганда, икки палатали парламент ҳуқуқий давлат барпо этишининг, демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг энг яхши куралидир.

Республикаимизда ташкил этилган бир палатали парламент истиқлол туфайли янги шакл ва мазмун олаётган давлатчилик тараққиётининг дастлабки поғонаси бўлиб ҳисобланади. У мамлакатимиз учун нихоятда мураккаб даврда фаолият кўрсатди. Ўзбекистон истиқлолини эълон қилди. Давлат мустақиллигининг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратди. Парламент шу даврда 300 дан ортиқ қонунлар, энг муҳими, мустақил Ўзбекистоннинг Конституциясини қабул қилди. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар янги шаклдаги демократик қилдиш тизимини шакллантириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қаролатлаш, кенг қамровли иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш, бозор муносабатларига ўтишнинг ҳуқуқий негизи бўлиб хизмат қилди.

К.АБДУВАЛИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VII сессияси 2001 йил 7 декабрда мамлакатимиз давлатчилиги ривожда янги босқични бошлаб берувчи муҳим тарихий қарор қабул қилди. Унга биноан, республикамизнинг 18 ёшга тўлган барча фуқаролари 2002 йилнинг 27 январидан умумий овоз бериш (референдум) орқали қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти тизимидagi ўзгаришлар бўйича хоҳиш-истакларини изҳор этишди. Бу давлатимизнинг демократик табиатини яна бир бор намоиш қилиб, тараққиётимизнинг истқболлини белгилаб берди.

унинг имкониятлари, муаммолари ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлиши, бир сўз билан айтганда, ҳаётнинг ачқик-чучугини тотиб кўрган, ҳар томонлама тобланган кишилар бўлиши керак.

Ислон Каримов ҳудудлар ўртасидаги тенгликни таъминлаш учун юқори палатада ҳар қайси вилоятдан сайланган депутатлар миқдори бир хил бўлиши кераклигини таъкидлади. Агар қуйи палатанинг асосий вазифаси қонунлар ишлаб чиқиш бўлса, юқори палата бу қонунларни кўриб чиқиб, шунга мос равишда қарорларни қабул қилиши лозим.

Юқори палата депутатлари мамлакатимиз-

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Олий Мажлис сессиясидаги маърузаларда, депутатларнинг нутқларида референдум ўтказишга сабаб бўлган омиллар ва референдум асосида юз берадиган ўзгаришлар моҳияти ва зарурати батафсил очиб берилди. Унда илгари сурилган далил-исботлар мантиқий асосланганини, халқимизнинг менталитети, реал шарт-шароитлар билан узвий ва чамбарчас боғлиқ эканлигини эътироф этиш лозим.

Шу ўринда, аввало Ўзбекистонда икки палатали парламентни жорий этиш бўйича ғоялар муаллифи ким эканлигини эслатиб ўтиш ҳам ўринлидир. Бу ғоя илг бор 2000 йил 25 майда бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий Мажлисининг иккинчи қақриқ II сессиясида Президентимиз Ислон Каримов томонидан илгари сурилган эди.

«Жамиятимиз тез суръатлар билан ўзгармоқда», — деб таъкидлаган эди ушанда Ислон Каримов. — Одамлар маънавий улғайиш йўлида илдам қадам ташламоқда. Бу узоқни кўзлаган сиёсатимиз, эзгу мақсад йўлидаги интилишларимиз натижасидир. Шунинг яхши аниқлаб олишимиз зарурки, ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги ўзгариши билан парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тенглиш ўзгаришлар бўлиши табиийдир. Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини киритмоқчиман».

Президентимизнинг фикрича, бунда Олий Мажлисининг қуйи палатаси партиялар вакиллари ва мустақил депутатлардан сайланади. Бу депутатлар парламентда доимий равишда ишлайди. Муҳими шундаки, янги шаклдаги парламент профессионал асосда қурилган бўлиб, унда мутахассис депутатлар фаолият олиб борадилар.

Профессионал парламент турли тоифалар, сиёсий партия ва ҳаракатлар вакиллари воситасида жамиятдаги мавжуд сиёсий-ижтимоий қарашларни ўзида акс эттиради. Профессионал парламентнинг асосий вазифаси қонунларни ишлаб чиқишдан иборат. Бу парламентни профессионал асосга ўтказишдан мақсад депутатлар томонидан қайси мамлакатда қандай қонунлар борлиги, уларнинг афзал томонлари, қонунларнинг ишлаш механизмни таҳлил этиб бориш, замон талабларини ўрганиш, жаҳон тажрибасида мавжуд бўлган ижобий жиҳатларни ижодий фойдаланган ҳолда миллий қонунчилигимизга таъбиқ этишдан иборатдир.

Президентимиз бўлажак парламент юқори палатаси таркибий тузилишининг асосий жиҳатларини ҳам кўрсатиб ўтди. Уларнинг фикрича, юқори палата таркибини вилоят, шаҳар ва туманлардаги маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар вакиллари ташкил этади. Улар юқори палатада ўз ҳудудлари манфаатларини ҳимоя қилишади. Юқори палатага сайланган вакиллар ўз ҳудудларидаги ҳақиқий аҳолини яхши билиши,

нинг барча ҳудудларига бир хил назар билан қараб, ана шу ҳудудлар вакиллари орқали халқимизнинг манфаатларини бир хилда ҳимоя қилишлари керак. Президентимиз бу масалани умумхалқ муҳокамасига қўйиш ташаббускорни бўлди ва парламентимиз профессионал тарзда тузиладиган бўлса, қонун ижодкорлиги борасидаги баъзи бир муаммолар ҳам ўз ечимини топиб кетади, деб ишонч билдирди.

Профессионал парламент учун энг аввало профессионал, билимдон мутахассис бўлган депутатлар корпуси шаклланиши керак. Мен ҳуқуқшунос сифатида шунинг аниқ оламани, бугунги кунда мамлакатимизда бунинг учун реал имкониятлар мавжуд. Тошкент Давлат юридик институти ҳамда университетларнинг юридик факультетларида ҳозирнинг ўзида минглаб юқори малакали ҳуқуқшунослар тайёрланмоқда. Айни вақтда ҳуқуқшуносликнинг муҳим йўналишлари бўйича турли ихтисосликлар учун магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Ҳар йили юзлаб ёшларимиз «Умид» жамғармаси кўмаги билан ривожланган хорижий мамлакатларда ҳуқуқшунослик, қонуншунослик, давлатшунослик йўналишлари бўйича олий таълим даргоҳларида билим олиб қайтмоқдалар. Улар қонун ижодкорлиги жараёни юқори савияда ташкил этилишига ўз хиссаларини қўшишга тайёрдирлар.

Профессионал парламент ҳуқуқий давлат барпо этишда ҳам ижобий аҳамиятга эга. Бунда қонунларни шакллантириш маҳкамалардан парламентга кўчади ва бу қонунларда маҳкамавий манфаатларнинг умумдавлат манфаатларидан устувор бўлиб қолиши имкониятига барҳам берилади.

Бошқа томондан олганда, профессионал парламент депутатлиқни «фахрий унвон» сифатида ҳаёл қиладиган ва қўшимча «обрў» деб биладиган тасодиқий шахсларни депутатликка ўз номзодини қўйиш иштиёқидан совутади. Бу эса, ўз навбатида, қонун чиқарувчи орган ваколатларини аниқ билган, қўлидан иш келадиган, фидойий кишиларнинг парламентга сайланишига имкон беради. Агар бирор сабаб билан парламентга лаёқати йўқ киши ўтиб қолган бўлса ҳам, у табиий равишда ё ишни ўрганиши ёхуд ўрнини бўшатиб бериши лозим бўлади. Икки палатали парламент сиёсий партияларни ҳам том маънода сиёсий майдонга олиб чиқиб, фикрлар хилма-хиллигини ривожлантиради.

Бир сўз билан айтганда, парламентнинг икки палатали тизимга ўтказилиши демократик йўлдан бораётган мамлакатимиз қонунчилигини янада юқори поғонага кўтаради.

Мирзаюсуф РУСТАМБОВЕВ,
ТДЮ ректори,
юридик фанлар доктори,
профессор

Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, парламентда иккинчи палатани ташкил этилиши қонун ҳужжатларини янада батафсил ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Ушлаб йиллар давомида парламентда бир палатали тузилма мавжуд бўлган айрим мамлакатларда ҳам кейинги йилларда иккинчи палаталар ташкил этилди (масалан, 1988 йилда Поляшада). Бир палатали парламент 1960 йилдан сўнг эндигина мустақилликка эришган ва ривож топаётган кўпгина мамлакатларда кенг тарқалди. Бир палатали парламент мамлакатнинг жадал ривожланишига йўл очиб берувчи янги қонунларни тез ва тўсиқларсиз қабул қилади ва фаолроқ ишлайди, деб ҳисобланар эди.

ПАРЛАМЕНТАРИЗМ

Дарҳақиқат, бир палатали парламент, бунинг устига бир партияли тизимда қонунларни тўсиқларсиз, бироқ шу билан бирга мунозаараларсиз ҳам қабул қилишга имкон берган. Бунинг натижасида уларнинг сифати ҳар доим ҳам яхши бўлмаган.

Ҳозирги пайтда аксарият ривожланган демократик давлатларда парламентлар икки палатали бўлиб, юқори палатанинг аъзолари худди қуйи палата аъзолари билан тенг равишда белгиланган миқдорга эга ва аҳоли сони ўсиши билан унинг миқдори ўзгармайди. Аксарият юқори палата ўз таркибининг миқдорига кўра, қуйи палатадагидан сезиларли даражада камдир (масалан, Италияда 315 та сенатор ва 650 депутат мавжуд; Чехияда 81 та сенатор ва 200 та депутат бор; Японияда маслаҳатчилар палатасининг 252 та аъзоси ва вакиллар палатасининг 511 та аъзоси бор; Нигерияда 64 сенатор ва вакиллар палатасининг 453 та аъзоси мавжуд; АҚШда 100 сенатор ва вакиллар палатасининг 435 та аъзолари фаолият кўрсатмоқда ва

ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ХУҚУҚИЙ ВА СИЁСИЙ ПОЙДЕВОРИ

2002 йилнинг 27 январь куни Ўзбекистон Республикасида парламентнинг икки палатадан иборат бўлиши ҳамда Ўзбекистон Президентининг ваколат муддатини ўзгартириш билан боғлиқ масалалар умумхалқ овозига кўйилди.

Ўтказилган референдумда Ўзбекистон халқи ўз хоҳиш-иродасини билдириб, кун тартибига кўйилган масалаларни маъқуллади. Ушбу ўтказилган референдум келгуси тараққиётимиз учун мустахкам ҳуқуқий ва сиёсий замин яратди. Бундан ташқари, у демократиянинг муҳим кўриниши бўлди. Бу эса мамлакатимизнинг истиқболдаги тараққиёти, халқро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллашимизга ҳамда давлат ва жамият ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади.

Энг муҳими, референдум натижалари қонунчилик тизимимизнинг ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатиб, янги қонунларни қабул қилиш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқади, бу эса парламентимизнинг роли ва ваколатларини кучайтиради. Мақсадимиз юқори ва қуйи палаталарни вужудга келтириш орқали қонунчилик ҳокимиятини шакллантиришдир.

Ушбу референдум хорижда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Унга дунёнинг 33 та мамлакатидан 120 дан ортиқ кузатувчи ташриф буюрди. Айниқса, АҚШ, Канада, Европа мамлакатларидан кузатувчилар кўп бўлди. Юқорида келтирилган фикрлар Ўзбекистон Республикасининг ўсиш ва юксалиш йўлида эканлигини исботлайди.

Ҳозирда фаолият юргизаётган Олий Мажлисдан фарқли ўларок, янги парламентнинг ваколатлари ва функциялари тубдан ўзгаради. Мамлакатимизда ҳукм сураётган барқарорлик, тинч-тотув ҳаёт, ислохотларнинг собитқадамлик билан олиб борилиши янги парламентнинг сермазмун фаолиятига яқиндан ёрдам беради. Бу эса мамлакатимиз ташқи сиёсати асосларига, чегараларимизда тинчликни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаб ўтганидек, янги парламент ривожланган давлатлар, хусусан АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия парламентлари сингари давлатларро ҳамда халқро муносабатларни ривожлантиришга ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши лозим. Фикримизча, янги парламент Ўзбекистоннинг чет элдаги вакилларини тайинлашда ҳам яқиндан иштирок этиши лозим, чунки улар хорижда Ўзбекистон Республикасининг мухтор вакиллари ҳисобланиб, ташқи сиёсат ва давлатларро муносабатларни амалга оширишда муҳим ўрин тутадилар. Ушбу андозалар ва тажрибалар ривожланган мамлакатлар бўлиши, АҚШ, Германия, Франция ва бошқа давлатларнинг кўп йиллик ривожланиш тарихида синовдан ўтиб, ижобий ҳуқуқий институт эканлигини исботлади. Яна бир фикр, ушбу тажриба элчиларни танлаш ҳамда жой-жойига қўйиш ишларини талаб даражасида олиб боришни таъминлайди.

Ўтказилган референдум Ўзбекистон халқининг сиёсий ва ҳуқуқий онги ошганлиги, миллий ва ижтимоий аҳилликка содиқлиги, ислохотлар зарурлигини англаб олганининг яна бир кўринишидир.

Президентимиз Ислам Каримов: «Эркин фуқаролик жамиятига дунёдаги кўпдан-кўп давлатлар асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантира бориб етиб келган. Биз бундай жамиятни қуришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва унга интиломқдамиз», деб айтган эди.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, ижобий хорижий тажрибани яқиндан ўрганишимиз, ҳаётимизга лозим даражада татбиқ этилиши ҳамда доимий ишловчи икки палатали парламентнинг фаол иш юритишини таъминлаб беришимиз зарур бўлади.

А. ТўЛАГАНОВ,
юридик фанлари номзоди



Жаҳон тажрибасидан маълумки, ижроий ҳокимият бошлиғи — давлат ва ҳукумат раҳбарининг у ёки бу шаклдаги устувор мавқега интилиши ва унга нисбатан парламентнинг фикрчанлиги икки ҳокимият ўртасида ўзаро таъсирни мувозанатга келтирувчи механизмларни яратади. Ана шундай механизмлардан бири парламентнинг икки палатали бўлишидир. Ҳамма гап шундаки, давлат раҳбари — президентнинг парламентнинг ҳар икки палатасига нисбатан муносабати бирдек эмас. Палаталарнинг қайсидир бири ўз навбатида ўзининг қонунчилик фаолияти билан бирга қонун чиқарувчи ҳокимият ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида вазминлаштирувчи, айрим ҳолларда эса, ҳатто мувофиқлаштирувчи вазиғани ҳам ўтайди. Бунда ҳокимиятнинг икки тармоғи орасидаги муносабатнинг биринчиси соф муассасавий (институционал) ўзаро таъсирда ўз ифодасини топса, иккинчи ҳолат эса нотенг муддатли ваколат мандатида намоён бўлади. Бунга бир қатор мисоллар орқали кўрсатишимиз мумкин. Францияда президент мамлакат Конституциясининг 12-моддасига асосан парламентнинг қуйи палатаси — Миллий Ассамблеяни тарқатиб юбориши мумкин. Лекин юқори палата — Сенат бундай таъсирдан ҳолидир. Айни пайтда, Сенат президент томонидан тайинланган ҳукумат аъзолари ва Бош вазирнинг истеъфосини талаб қила олмайди. Бундай ҳуқуқ эса қуйи палатага тегишлидир. Мана шундай тарзда бироз мураккаб лекин муқобил мувозанат қарор топади.

ПРЕЗИДЕНТ ВА ПАРЛАМЕНТ ПАЛАТАЛАРИ ОРАСИДАГИ МУНОСАБАТ

АҚШда эса бунга аксинчароқ ҳолат мавжуд. Президент қуйи — вакиллар палатасини тарқатиб юбора олмайди. Вакиллар палатаси ҳам президентга тўғридан-тўғри истеъфо бериш — импичмент ҳуқуқига эга эмас. Бу ҳуқуқ одатда юқори палата — Сенатга тегишли бўлса-да, Сенат қарор чиқариши учун қуйи палата тасдиқоти талаб қилинади.

Умумий назар ташланганда, президентлик бошқаруви мавжуд бўлган кўпгина давлатларда ўхшаш манзара яққол кўзга ташланади: президент парламентни тарқатиб юбориши мумкин бўлган ҳолда, парламент ҳам, кўпинча, унинг юқори палатаси Бош вазир ва ҳукумат, баъзи ҳолатларда эса президент истеъфосини талаб қила олади. Шу тариқа, палаталарнинг бит-таси ижроий ҳокимият таъсирига

нисбатан вазминлаштирувчи вазиғани бажаради.

Шу ўринда, мамлакатимизда жорий йилнинг 27 январиди ўтказилган референдумда бира тўла икки саволнинг: икки палатали тизимга ўтиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколатини 5 йилдан 7 йилга ўзгартириш масаласи тенг қўйилганда ҳам ўзига хос мантқ бор: ҳокимиятнинг ҳар икки тармоғи тенгма-тенг, қадам-бақадам ислох қилинмоқдаки, бунинг натижасида улар орасидаги ўзаро мувозанат ҳам янги босқичга кўтарилмоқда.

Иккинчидан эса, парламент палаталарининг ваколат муддати ҳар хилдир, яъни ҳар икки палата ҳар хил муддатга, ҳар хил овоз бериш йўли билан, қолаверса, бир неча босқичда сайланиши мумкин.

АҚШда Вакиллар палатаси 4

«Подшоҳга лозимдирки, катта бир Машваратхона (Парламент) очсин. Бундай Машваратхона, ҳозирги низомлик давлат (яъни «ҳуқуқий давлат» маъносиди) ичида мамлакат тузишини энг муҳим ишларидан ҳисобланади».

Аҳмад Доншиноғ
«Нодир воқеъалар»
асаридан

йилга, Сенат эса 6 йилга сайланади (Сенат депутатларининг учдан бир қисми ҳар икки йилда янгиланади). Францияда Миллий Ассамблея 5 йилга сайланган ҳолда, Сенат ваколати 9 йил мандат билан белгиланган (сенаторларнинг учдан бир қисми ҳар уч йилда янгиланади). Японияда қуйи Вакиллар палатаси 4 йиллик ваколатга эга бўлса, юқори Маслаҳатчилар палатаси 6 йилга сайланади (депутатларнинг тенг ярми ҳар уч йилда янгиланади). Мисоллардан қўришиб турибдики, палаталарнинг ваколат муддатлари ўзаро фарқланади. Бундан иккита ижобий натижа келиб чиқади: биринчиси, турли муддатга сайланган палаталар парламент фаолиятининг узлуксизлигини таъминлайди. Ҳар икки палатанинг ваколат муддати тенг тугаб қолмайди ва қисқа муддатли узил-

лишларнинг олди олинади. Биринчи палатага сайловлар давом этаётган пайтда ёки янги сайланган палата тўла ишга тушиб кетгунга қадар иккинчи палата парламентнинг бир маромад ишлашини таъминлайди.

Иккинчи ижобий ҳолат шундан иборатки, парламент фаолиятининг бундай узлуксизлиги ва изчиллиги ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари билан доимий мувозанатни ҳам таъминлайди. Айниқса, сайловлар натижаси ўларок, палаталарнинг биридиғи тарқибий ўзгаришлар (демакки, унинг тарқибидиғи сиёсий кучлар таъсирининг ўзгариши) парламентнинг президент бошлиқ ижроия ҳокимиятга нисбатан мавқеи ёки муносабатига «тўб ўзгаришларга» олиб келмайди. Шу тариқа, ҳокимиятларнинг тармоқларро мувофиқлашган барқарорлиғи сақлаб қолинади.

Х. ЮНУСОВ,
Жаҳон иқтисодийети ва дипломатия университети ўқитувчиси

хоказо). Палата миқдорини аъзоларнинг белгиланган сони орқали чеклаш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Юқори палата турли усуллар билан, чўнончи, аъзоларни тайинлаш, бевосита ва билвосита сайлов орқали ташкил топади.

Федерал давлатларда юқори палата аъзолари федерация субъект-

ти фақатгина 1 вакилини сайлашга ҳақлидир.

Вакилликнинг бу иккала варианты ҳам федерация шароитида кичик штатлар учун устуник ҳосил қилади. Айниқса, биринчи вариантда катта тенгсизлик борлиғи кузатилади: АҚШ Конгрессида 20 миллион аҳолига эга бўлган Калифорния штати 300 миғ аҳоли яшайдиған Аляска штати каби иккита сенат-

дан ҳам сенатнинг тўғри сайловларида сайловчилар учун баъзан каттароқ ёш цензи белгиланади (масалан, Италияда қуйи палатага сайловлардан 18 ёшга тўлган шахслар катнашиши мумкин бўлса, юқори палатадаги сайловларда 25 ёшга тўлган кишилар иштирок этиши мумкин).

Бирок, АҚШ, Япония ва бошқа кўпгина давлатларда ҳар иккала

Ҳар икки палата учун сайловлар механизми ва овозларни санаш тизими тўғри келиши мумкин (масалан, Японияда ва АҚШда), бироқ кўпинча улар фарқ қилади (масалан, Италияда қуйи палатага сайловлар мутаносиб (пропорционал) сайлов тизимида амалга оширилса, 1993 йилги ислохотга қадар Сенатга сайловларнинг биринчи тури можаритар тизимда ўтказилар эди.

Бир қатор ривожланаётган мамлакатларда сайловлар партиясиз асосда ўтказилади (Кувайт, Баҳрайн). Бундай ҳолат бир пайтлар Покистон, Индонезия, Филиппин ва бошқа давлатларда ҳам бўлганди.

Баъзан парламент аъзоларининг бир қисми эгри сайлов йўли билан сайланади: Свазиленда 40 депутат ва 20 сенатор сайловчилар томонидан сайланса, Покистонда — 20 та, Бангладешда — 30 та аёл парламентнинг ўзи томонидан сайланади.

Кўпгина мамлакатларда қонун томонидан белгиланган пул миқдори — сайлов гарови киритилган ҳолдагина номзодлар рўйхатдан ўтказилади. Ривожланган давлат-

ларда бу пул миқдори унчалик катта бўлмайди ва тахминан ишчининг бир-икки ойлик маошини ташкил қилади (баъзан бундан ҳам кам бўлади).

Шу билан бирга, айрим ривожланаётган мамлакатлар қаторига кирувчи давлатларда гаров миқдори, кўпинча, оддий одамлар учун жуда катта ҳисобланади. (Кения, Сенегал ва бошқалар). Агарда номзод сайловларда қонун томонидан белгиланган кўпчилик овозни тўпلامаса, гаров давлат ҳисобига ўтади. Сайлов гарови, бизнинг фикримизча, бир томондан, демократияга зид, аҳолининг камбағал қатламлари манфаатларига жавоб бермайдиган чорадир. Бошқа томондан эса, у қандайдир маънода, сайлов компаниясида сайланиш имкониятларига эга бўлганда, бироқ ўз номини машҳур қилиш ниятида бўлган номзодлар қўйилишдан холи қилади, деган фикрда маълум маъно ва асос борлигини инкор этиб бўлмайди.

О. ОКИЛОВ,
ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти докторанти

АМАЛИЁТИНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

ларининг тенг вакиллиги йўли билан (Бразилия, Россия, АҚШ ва бошқа), ёхуд у ёки бу штат, ёр ва бошқа маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг аҳолиси фикрини ҳисобга олган ҳолда сайланади.

Масалан, Германияда ерлар Бундестагага 3 тадан 6 тагача кишини вакил этиб сайлайдилар ва энг кичик ёр ҳам учтадан кам бўлмаган вакилга эга бўлиши қонуний белгилаб қўйилган. Ҳиндистонда тартиб бироз бошқача ва энг йирик Ўттар Прадеш штати 34 та вакилга эга бўлса, энг кичик Мегхалая шта-

торга эга.

Сенатга сайловлар тўғри ва билвосита бўлиши мумкин. Деярли ҳамма жойда сенатор бўлиш, қуйи палата аъзолригидан юқорироқ ҳисобланади. Бундан ташқари, юқори палата қуйи палата халқ вакилларининг қарор қабул қилишдаги ортиқча шошма-шошарлиғи ва «қизишиб кетишларига» қарши кафолат механизми бўлиши керак, деган жаҳон парламентаризми амалиётида кўп тарафдорларига эга бўлган нуқтаи назар тобора мустахкамланмоқда. Зеро, шу сабаб-

палата учун сайловчиларнинг ёшлари бир хил белгиланган (АҚШда — 18 ёш, Японияда — 20 ёш).

Сенаторликка сайланиш ҳуқуқи тўғрисида тўхталадиган бўлсак, бундай ҳолларда одатдагидай катта ёш белгиланади (Италияда 25 ёшдан депутатлар палатасига, 40 ёшдан — Сенатга, АҚШда — мос равишда 25 ва 30 ёшдан, Францияда эса — 23 ва 35 ёшдан). Сенатор ва қуйи палата аъзолари учун маляка талаблари кўпинча мос келадди, фақат уларнинг ёшлари буйича фарқ бўлади.

● 2002 ЙИЛ ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

Бу йил тўқсон биринчи баҳорни қарши олаётган пиру-бадавлат отахон Ризо Ҳасановнинг ўз айтар сўзи, ибрат олса арзигулик ҳаёт йўли бор.

— *Ризо ака, Сизни генерал Собир Раҳимовнинг назарига тушган аскарлардан дейишади. Шу ростми?*
— Ҳа, рост. Тақдир тақозоси билан Самарқандда жойлашган отлик аскарлар бўлинимасида ҳар-

га боришим лозимлигини маълум қилди. Тун билан миҳжа қоқмай ўйлаб чиқдим. Бирор ноҳўя иш қилиб қўйибманми, деган хавотир билан Тошкентга етиб борсам, вазият мутлақо бошқача. Кадрлар бўлимида менга Иштихон туманига прокурор бўлиб боришимни айтишди. Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Юридик маълумотим бўлмаса...

Бунинг устига, бундай катта вазифани уддалаб кетиш осонми?
Шуларни айтсам, унашмади. «Сизга ишонамиз, шижоатингиз

тиллога тенгсиз фарзандларим. Беш фарзандимнинг ҳаммаси ўз меҳнати, интилиши билан ҳаётда кадр-этибор топа олишди. Қирққа яқин набаира ва эвараларим бор.

Ўртанча фарзандим Шухрат менинг касбимни танлаган. Унинг иш юртишида ўз ёшлигимни кўрган-дек бўламан. Хулосалари пишиқ, ҳақиқатдан тонмайди. Вақти келиб набираларим унинг ишини давом этказишига ишонаман. Шогирдларимдан ҳам кўнглим тўқ. Демакки, фаолиятим, уйрим бесамар кетмапти. Бундан ортиқ бойлик бор-

● ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Ёзнинг жазирама иссиғидан лоҳасланган қишлоққа аста-секинлик билан тун чўқмоқда. Бироз олдин гавжум бўлган кўча ҳозир, бирор юмуш билан чиққан яккам-дуккам кишиларни ҳисобга олмаганда, сокин. Кайсидир хонадондан ёш боланинг йиғлагани, яна бошқасидан радиода хонадоннинг хониши кўлоққа чалинади. Қуни билан елиб-югурган шиллоқ аҳли чарчоқни чиқариш учун мазмунли дам олиш дардида.

ПИЧОҚ КЎТАРТАН ШАРПЛА

Икки уй нардан кўчага бир қора шарпа чиқди-да, муқолидаги дўконча олдиға кела бошлади. Дўкончадан сигарет олиб лабига қистирди ва шу ердаги стулга керишиб ўтирди. Яқинроқда икки хотин ҳам бўлиб, улар нима ҳақдадир сўхбатлашишарди. Сигарет чекаётган киши аввал уларнинг сўхбатига унча эътибор бермади. Кейин гап нима ҳақда кетаётганлигини билиб бутун вужуди кўлоққа айланди.

— Холида, эшитдингизми? Барчин нафақа пулларини олиб келибдими?
— 1,5 млн.га яқин пул олиб келибди. Эртадан бошлаб тарқатармиш.
— Ҳа, яхши бўлибди...

Бу гапларни эшитди-ю, сигарет чекаётган кишининг ҳаловати бузилди. «Қани энди шу миллионлар менинг қўлимда бўлиб қолса. Хоҳлаганимни қилардим. Мурод безоридан Муродбойга, Мурод миллионерга айланардим». Шу хаёллар гирдобига чўмган Мурод сўнгги тўхтамаг келди шекилли, ўрнидан турди-да, илдам юриб кетди. У бир манфур режани амалга оширишга, «орзу»ларини рўёбга чиқаришга, кўпчиликнинг насибасини қўлга киритишга жазм қилганди...

Кечки овқатни еб бўлгач, қуни билан ўйнаган болаларнинг кўзлари чарчоқдан юмילה бошлади. Барчин жой солиб уларни ётқизди. Чарчаганига қарамасдан айрим ҳисоб-китобларни ниҳоясига етказиш учун анчагина қоғозларни стол устига қўйди. Лекин кўп ҳам ишлай олмади. Кўнгли хижил бўлиб, муҳҳиш воқеани сезгандек тоқатсизлана бошлади. Аста туриб болалари ётган жойга келди. Эндигина тўртга кирган қизини меҳр билан кучиб пешонасидан ўлди. Устидан тушиб кетган кўрпасини қайта ёпиб, кейин ўғлининг ёнига ўтди. Уни ҳам кучиб пешонасидан ўлди. Кейин жойига ўтиб ётди. Лекин чарчаганига қарамасдан ҳадеганда кўзига уйку келавермади. Худди зулмат туни уни ўз қаърига тортаётган-дек бўлаверди. Соат тунги бирларга яқин эшик ойнасининг шақирлаб синишидан Барчин кўрқиб кетиб, ўрнидан турди. Шу ҳолатда эшик томон бир қадам қўйгандики, эшик очилиб пичоқ ушлаган бир киши унга рўбарў келди. Дафъатан унинг кимлигини танилди.

— Пуллар сакланаётган сандикнинг қалити қани? Тезроқ чиқар, бўлмаса ҳозир шу пичоқ билан...

Барчин шундагина уни таниди. Муродни олдин ҳам бир неча марта кўрганлигини, аввал судланиб чиққанлигини хаёлига келтирди. Ҳозир эса бўйинга пичоқ тираб турган Муроднинг талабини бажаришга мажбур эди. Барчин фақат бир нарсасга, «ҳозир кўтилиб кетсам, кейин ҳаммасини айтиб бераман», деган фикрга қаттиқ суяниб қолганди.

Афсуски, ҳозирги дақиқалар ўз умрининг энг охириг сониялари эканлигини Барчин ҳатто хаёлига ҳам келтиролмади. Титроқ қўллари билан қалитни топиб Муроднинг қўлига топширгач, унинг пуллар сакланаётган сандик томон кетишини кутди. Лекин бундай бўлмади. Мурод гувоҳни йўқотиш учун Барчиннинг кўксига пичоқ урди. Унинг аламли чинқирғидан ширин уйкуда ётган Рустам уйғониб кетган эди. Аввалига бўлаётган ваҳшийликка болаларча бир муддат қараб турди. Кейин... Кейин онасининг устида энгашиб турган пичоқли «амакини» кўрди-ю, нима бўлаётганини тушуниб етди ва беҳтиёр кўрқув ичида бақрииб юборди.

— Ойжо-он!

Бола чинқирғидан сергаклаган Мурод ўғирлиб, Рустамга қаради. Кўрқувдан дағ-дағ титраётган Рустам, қочмасам мени ҳам ўлдиради, деган ўйда эшик томон отилди. Лекин эшикка етиб бороволмади. Шу пайт кўчада гала-говур кўтарилди. Булар Барчиннинг қўшнилари бўлиб, муҳҳиш чинқирқиларни эшитиб чиқишган эди. Муроднинг қочмадан бошқа чораси қолмади. У девордан ошиб, зулмат қаърига сингиб кетди...

Бўйин эгмай, меҳнат қилмай тараллабедод яшашни орзу қилган ва бунинг учун жуда оғир жиноятга қўл урган, натижада бир аёл ва норасида боланинг ўлимга сабабчи бўлган Мурод Мусурмоновни одил суд ўлим жазосига ҳукм этди.

Алишер ҲАЙТОВ,

Республика Бош прокуратурасининг бошқарма прокурори.

Фозил МАМАШАРИПОВ,

журналист



бий хизматни ўтаганман. Биз аскарлар ўзимизга бирикитилган отларни парваришлар, махсус тўсиқлардан сакратиб, югуртирар, хуллас белгиланган меъёрлар устида машқлар олиб борардик. Ниҳоятда сезгир, ниҳоятда илдам жонивор эди ўша оқ тулпорим, билсангиз...

Бир қуни кўрик учун сафланганимизда Собир ака тайёргарлигимиз билан қизикди. Қўлларидаги тоза оқ рўмолча билан барча отларни артиб, уларнинг тозаллигини текширди. Шунда энг тоза от менинг тулпорим бўлиб чиқди. Ўша қуни ҳатто шаҳарда сайр қилиш учун рухсатнома ҳам олганман. Шу-шу бўлди-ю, чиқишиб қолдик. Бўлим командири этиб тайинланганимда менга тоза чармдан тўкилган қамчи совға қилган эди. Қарашларида меҳр, гайрат-шижоат, мустаҳкам ирода кўрганман у кишининг.

— *Кечирасиз, прокурор бўлиш учун одамда қандай хислатлар бўлиши лозим, деб ўйлайсиз...*

— Албатта билим, интилувчанлик ва яна қобилият. Бирок, барчасидан ҳам зарури самимийлик ва бағрикенглик. Элга меҳр кўрсатсанг, эл ҳам сени севар экан, бағридан жой берар экан. Нимасини айтасиз, армиядан қайтгач, иш танлаб ўтирганим йўқ. Қаерни лозим кўришса, мен ўша ёққа отланавердим. Ешлар билан ишладим, кейин 7 йиллик мактабга директорлик қилдим. Сўнгга вилоят раҳбарлари Зомин туман МТС тизимида ишлаганимни айтишди. Кўрна-тўшагимни йиғштириб, ўша жойга жўнадим. Бор кучимни бир нарсасга — ўзимга ишонч билан топширилган вазифани оқлашга, бекам-куст адо этишга сарфладим. Ана шундай кунларнинг бирида мени туман раҳбари хузурига чакриб, Республика прокуратураси-

тугамаса бўлгани», дейишди. Раҳбарларнинг тавсияси билан уч ойлик юридик курсни тугатдим. Хужжатларимни юридик институтнинг сиртки бўлимига топширгач, тўғри Иштихонга йўл олдим. Бу воқеага ҳам олтимиз йилдан ошиб кетди. Кейинги қатор йиллар Булунгур, Хатирчи, Ургут каби туманларда хизмат қилдим.

— *Яхшиликнинг умри узун, ёмонликнинг қисқа, деган гапни кўп эшитамиз. Сиз буни қандай изоҳлайсиз?*

— Нима бўлганда ҳам ёмонликдан кўра яхшилик улашувчи инсонлар орамизда кўп, деб ўйлайман. Урушдан кейинги йилларда қанд лавлаги билан деҳқончилик қилинарди. Булунгурда прокурорлик чоғимда туман ИИБ бошлиғи хузурига ўрта яшар бир кишини олиб келиб, қамаш учун санкция беришимни сўради. Айбини суриштирсам, қанд заводида ишлаб турди, 50 грамм шакар ўғирлаб чиқибди. Эшик орқасида ишчининг оиласи, 5 нафар фарзанди чирқираб турарди. Вазият чиндан ҳам оғир эди. Шундай бўлсам «ўғри»нинг қамалишга рози бўлмадим.

ИИБ бошлиғи ушбу ҳолат бўйича «юқори»га ҳам шижоат қилди. Аммо, болакайларнинг отасиз қолишларига йўл бермадим. Қонун кўтаради деб, отасини 5-7 йил муддатга қаматиб юборганимда, умр бўйи виждон азоби билан яшаган бўлардим.

— *Қандай ўйлайсиз, ҳаётда сиз етишган энг катта бойликлар нима?*

— Бойлик дейсизми? Менда торгина ҳовлимиз, уч хонали пастак уйимиздан бошқа орттирган молдавлатим йўқ. Ростини айтсам, худодан катта бойлик тиламаганман ҳам. Тилаганим ва орттирганим — осойишта умр, «яхши» деган ном,

ми?

— *Қабул қилинаётган қонуларимиз ҳақида қандай фикрдасиз?*

— Биз ишлаган давр билан Мустақиллик инъом этган муҳит орасида катта фарқ бор. Мен асосан «Прокуратура тўғрисида»-ги (анги тахрир) Қонунни назарда тутяпман. Прокурорларимиз фаолиятига эндиликда улар томонидан қўзғатилган жиний ишлар ёки жавобгарликка тортилган фуқаролар сонига қараб эмас, балки тегишли худудда қонунийликка амал қилинишининг ҳолати ва халқнинг осойишта ҳаёт кечираётганига қараб баҳо берилиши айна кўнглимиздаги гап бўлди. Ахир қонуларнинг қабул қилинишидан кўзланган мақсад ҳам эл-юрт осойишталиги эмасми?

— *Ризо ака, кўнглингиздан яна қандай туйғулар кечаяпти?*

— Кўнглимас, кошонанинг ўзи, бу йил Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинди. Мустақиллик йилларида талай қадр-эҳтиром кўрдик. Шогирдлар, болаларим туну-кун атрофимда парвона. Камтарона меҳнатимни юксак қадрлаб, муҳтарам Президентимиз томонидан «Шухрат» медалли билан тақдирландим. Ҳар байрамда қатор табрик хатлари келиб турибди. Шундай бўлгач, мендан бахтиёр инсон борми?

Узоқ кутган нарса кадрли бўлар экан, ўғлим. Биз кексалар бу бахтиёр кунларни узоқ кутдик. Энди унга кўз тегмасин, дейман. Фарзандларимиз уруш, камлик кўрмай ўсунлар.

Иншооллох... Сизларга ҳам боқий умр берсин!

Сўхбатдош:

Мансур АЛОВУДДИНОВ,

«Хукук» муҳбири

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ИНТИҲОСИЗ ИХТИЛОФЛАР



Associated Press агентлиги тарқатган маълумотга қараганда, Фаластин раҳбари Ёсир Арофатнинг Рамаллоҳда жойлашган штаб-квартирасига нисбатан Исроил томонидан ўрнатилган қамал бекор қилиниши мумкин. Бу ҳақда Исроил бош вазири Ариэл Шарон якшанба кuni баёнот берган эди.

Фахрий ҳарбийлар билан бўлган учрашуви чоғида бош вазир бу ҳолатни изоҳлаб, шундай деди: «Мен Арофатни марҳум вазири Раҳваам Зазвининг қотиллари ҳисбага олинсагина озодликка чиқаришга ваъда берган эдим. Биз мақсадимизга эришдик — қотиллар ҳозир ҳибсда, энди биз ҳам ваъданизи бажаришимиз керак».

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, қамалдан чиққан Фаластин раҳбари ва унинг ҳукумати Рамаллоҳдаги резиденцияни тарк этиши ҳамда шаҳардан чиқиб кетиши мумкин, холос. Аммо Ёсир Арофат мухторият ҳудудларидан чиқиб кетиш ҳақида уйлამаса ҳам бўлади.

Эслатиб ўтамиз: Ёсир Арофат ўтган йилнинг декабрь ойидан буён Рамаллоҳдаги резиденциясида қамал ҳолатида эди.

Ҳозирча резиденцияга нисбатан қамал ҳолати қачон бекор қилиниши аниқ эмас. Шу нарса аниқки, Фаластин маъмуриятининг мухторият ҳудудлари бўйлаб эркин кўчиб юриш ҳуқуқи америкалик махсус вакил Энтони Зиннингинг Муқаддас ерга ташрифига қадар қайта тикланиши керак. Ташриф 13 мартга мўлжалланмоқда.

Ариэл Шароннинг яна бир баёноти ОАВнинг диққатини тортиди. Душанба кuni хавфсизлик маҳкамаси ходимлари билан ўтказган йиғилиши чоғида бош вазир «Исроил уруш ҳолатида бўлса-да, зўравонликларга барҳам бериш ва тинчликка эриш учун имконият борича ҳаракат қилишни» маълум қилган. Мазкур «олийжаноблик»нинг моҳияти шундай: 14 нафар яҳудий қурбон бўлган Қуддусдаги сўнгги теракт учун «қоникар»ларда жавоб бериш ва Фаластин томони билан келишиш мумкин бўлган ҳар қандай мурсани инкор этиш.

Исроил мудофаа вазири Бэнъямин Бен-Элиезер, ташқи ишлар вазири Шимон Перес ва қурилиш вазири Найдан Шаранский иштирок этган тор доирадаги йиғилишида Ғарбий қирғоқ ва Ғазо секторидagi террор ҳужуқларига қарши мудофаа кучини ошириш ҳақида қарор қабул қилинди.

На'арет агентлигининг маълумоти беришича, сўнгги теракт ҳам Фаластин учун анча қимматга тушади. Антитеррор ҳаракатлари икки ҳафта давом этади.

Яқин кунлар ичида Шарон Исроил генераллик штаби бошлиғи ўринбосари Моше Яалон билан учрашиб, ҳарбий бўлинмаларни вазиятга қараб тақсимлаш масаласини кўриб чиқиши керак.

Маълумки, Исроил ҳарбийлари Фаластин мухторияти ҳудудларида хизматни ўташга рўйхушлик билдирмай қолишган. Шу сабабли, кўшимча тарзда яна бир неча ҳарбий бригадалар «ишга солиниши» эҳтимоли бор.



ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ

Япония ҳақида эшитмаган инсон бўлмаса керак. Ушбу мамлакатнинг иқтисодда, техникада, маданиятда, маънавиятда эришган улкан муваффақиятлари ҳақида соатлаб суҳбатлашиш мумкин. Ҳуқуқий тизимда ҳам Японияда улкан ишлар қилинаёпти. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Япония билан қадимий алоқалар тикланди. Бугунги кунда юртимизда кунчиқар мамлакатнинг кўплаб ташкилотлари фаолият кўрсатаёпти. Кейинги йилларда япониялик ҳуқуқшунослар билан ўзаро тажриба алмашиш ҳам кенг йўлга қўйилди.

КУНЧИҚАР МАМЛАКАТДА 7 КУН

Ўтган йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Япония Адлия вазирлигининг бўлим бошлиғи жаноб Маруяма Тсуёши ва Нагоя уни-



верситети профессори Сигиура Казутакадан иборат Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги вакиллари билан учрашув бўлиб, мулоқот сўнгида улар ўзбекистонлик ҳамкасбларини ўз юртларига таклиф қилганди. Яқинда ўзбекистонлик бир гуруҳ вакиллари Япониянинг Нагоя университети олимлари таклифига биноан кунчиқар мамлакатда бўлди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директори Эркин АБЗАЛОВ Японияда бўлиб қайтди. Мухбиримиз у билан учрашиб, сафар таассуротлари ҳақида суҳбатлашди.

— Жорий йилнинг 13-20 февраль кунлари Япониянинг Нагоя университети таклифига кўра «XXI асрда Марказий Осиё мамлакатларида ҳуқуқий ва суд тизимидаги ўзгаришлар» мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Симпозиум иштирокчиларини Япония Адлия вазири М.Маруяма хоним қабул қилди ва вазирлик тизими ҳамда унинг фаолияти билан таништирди. Қабул вақтида Япония Адлия вазири Ўзбекистон Республикаси ҳақида, халқимизнинг тарихи ва маданияти, мамлакатимиз Президентини олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат ҳақида алоҳида тўхталиб, амалга оширилаётган иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотларга юқори баҳо берди.

Симпозиумда «Ўтиш даврида иқтисод ва ҳуқуқ — ҳозирги аҳвол ва ҳуқуқий кўмаклашиш», «Ҳуқуқий ислохотларнинг ҳозирги аҳволи ва муаммолари», «Юридик таълим соҳасидаги ўзгаришлар», «Ҳуқуқий кўмаклашишнинг Марказий Осиё мамлакатларидаги ҳозирги аҳволи ва муаммолари» каби йўналишларда илмий маърузалар тингланди ва мунозаралар бўлиб ўтди.

— **Халқаро симпозиумда Марказий Осиёдан қайси мамлакат вакиллари иштирок этди?**

— Симпозиумда биз билан Қозоғистон ва Қирғизистон вакиллари ҳам қатнашди. Шунингдек, Швеция, Япония олимлари ва амалиётчилари, Халқаро Банк, Осиё Ривожланиш Банки ва «ЖСА» каби қатор халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашиб, маърузалар қилишди.

— **Ўзбекистон олиб бораётган ҳуқуқий ислохотлар ҳам симпозиум иштирокчиларини қизиқтиргандир?**

— Албатта, анжуманда мен янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг моҳияти ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида прокуратура органларининг роли» мавзусида маъруза қилдим.

Шунингдек, ўзбекистонлик олимлар ва

амалиётчи мутахассисларнинг чиқишларида бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд қонун ижодкорлиги тизими ва унда кенг халқ оммасининг иштироки (шу йил 27 февралда

бўлиб ўтган умумхалқ референдуми мисолида) ҳақида, Ўзбекистон Президенти ташаббуси ва раҳбарлигида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, жинойи ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш соҳаларида амалга оширилаётган тадбирлар ва унинг ижобий натижалари хусусида маълумотлар берилди.

Анжуманда Япония, Қозоғистон ва Қирғизистондаги ҳуқуқий тизим, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар, муаммолар ҳақида ҳам маърузалар тингланди. Жумладан, япониялик олимлар ва мутахассисларнинг чиқишларидан ҳозирги кунларда Японияда ҳам суд-ҳуқуқ соҳасида жуда катта ислохотлар бошланганлиги маълум бўлди. Уларни Ўзбекистонда иختисослаштирилган судларнинг ташкил топishi жуда қизиқтирмоқда. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўзини-ўзи бошқариш органлари, айниқса, маҳаллалар фаолиятини улар катта янглик сифатида баҳолашди.

Япониядаги БМТ Жиноятлар профилактикаси ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида маҳкумлар билан муносабатлар бўйича Осиё ва Узоқ Шарқ Бирлашган Миллий Институтини директори Кеичи Айзава ўз маърузасида Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислохотларга юксак баҳо бериб, ўзбекистонлик ҳуқуқни муҳофаза этувчи орган ходимларини ўзи раҳбарлик қилаётган институтга малака оширишга таклиф қилиш режаси устида ишлаётганини айтиб ўтди.

— **Эркин Меҳмонович, маълумки, ер юзида Япония техникаси кириб бормаган мамлакат йўқ, деса ҳам бўлади...**

— Фикрингизни тушундим. Тан олиб айтиш керакки, дунёда Японияга ҳавас қилмайдиган мамлакат бўлмаса керак.

Халқаро симпозиум иштирокчилари машҳур «Тойота» корпорациясига таклиф этилди. Симпозиум ҳомийларидан бири ушбу корпорация экан. Корпорация халқаро анжуман иштирокчилари шарафига расмий қабул уюштирди. Унда Корпорациянинг вице-президенти Ш.Канада анжуманда ҳозир бўлди.

— **Меҳмонларингиз Ўзбекистон ҳақида фикрлари қандай экан?**

— Ижобий. Улар мамлакатимизда олиб борилаётган барча соҳалардаги ислохотларга хайрихоҳлик билдирмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг терроризмга қарши олиб бораётган саяҳ-ҳаракатларига юксак баҳо беришади. Менга уларнинг халқимизга ўхшаш меҳмондўстлиги ёқди. Меҳмонга бағрини очган халқ дунёнинг тинчлигини истайди. Шу жиҳатдан ўзбек ва япон халқлари ҳамфикр, ҳамкордирлар.

Суҳбатдош:
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

ДАВР ҚУРБОНИ

Германиянинг собиқ канцлери Гельмут Коль ҳақида янги шов-шувлар тарқалди. Би-Би-Си агентлигининг маълум қилишича, собиқ канцлер иккинчи мартаба ўтмиши ҳақида Шарқий Германия разведкаси («Штази») ходимлари томонидан йиғилган маълумотларнинг ОАВда эълон қилинишини тўхтатиб қолишга муваффақ бўлган.

Берлин Федерал маъмурий суди агентлик томонидан собиқ ГДР разведка хизмати материалларига асосланиб киритган апелляциясини бекор қилди. Агентлик вакиллари суднинг Гельмут Коль ўтмишига доир маълумотларни матбуотда эълон қилишни тўхтатиш ҳақидаги ҳулосасига норозилик билдиришди.

Судьялар собиқ канцлерни «Штази»нинг ноқонуний операциялари қурбони бўлган ва шу сабабли унинг даҳлсизлик ҳуқуқи сақланиб қолиши керак, деган ҳулосага келди. Унинг ўтмишига журналистлар ва тарихчилар аралашувига йўл қўйилмайд.

Берлин судининг эътирофи этишича, «Штази» агентлиги материаллари ҳар қандай кишининг ҳам шахсий розилигисиз чоп этилиши яхшиликка олиб келмайд.

ЕВРОПАГА ТАШРИФ

Малайзия ҳукумати мана шу ҳафтада мамлакат бош вазири бир қатор Европа давлатларида расмий ташриф билан бўлишини маълум қилган. Бу ҳақда «Новости» агентлиги мухбири хабар қилди.

14 мартдан 16 мартгача Малайзия ҳукумати раҳбари уч нафар вазир ҳамроҳлигида Москвада меҳмон бўлади ва Россия президенти Владимир Путин билан музокаралар ўтказади. Шунингдек, сафар чоғида унга 6 нафар парламент аъзоси ва бир гуруҳ бизнесменлар ҳам ҳамроҳ бўлишади.

Ташриф кун тартибидан икки томонлама ҳамкорлик, ҳар иккала давлат манфаатларига тегишли бўлган халқаро ва минтақавий муаммолар борасидаги масалалар ўрин олган.

Бош вазир доктор Махатхирнинг айни пайтда Москвада бўлиб ўтаётган рус-Малайзия ишбилармон доираларининг бизнес-форумида маъруза қилиши кутилмоқда.

Москва учрашувларидан сўнг Малайзия бош вазири Германияга, сўнгра эса Польшага расмий ташриф буюради.

БМТга МУРОЖААТ

Афғонистон муваққат ҳукумати мамлакат қишлоқ ҳўжалиги соҳасини тиклаш учун кўмак беришни сўраб БМТга мурожаат қилди.

Техронда бўлиб ўтаётган Қишлоқ ҳўжалиги ва ишлаб чиқариш ташкилотлари (FAO) конференциясида Афғонистон вакили Абдул Раззоқ Аёзий ташқаридан мадад берилмас экан, мамлакат ҳукумати оч-наҳор халқни

боққ олмайди», дея эътироф этди. Унинг айтишича, уруш йилларидаги талофатлар сабаб мамлакат қишлоқ ҳўжалигини тубдан қайта қуриш зарур.

Абдул Раззоқ Аёзий яна шуни қўшимча қилдики, иқтисодий ёрдам кечиктирилган экан, қашшоқ афғон дехқони яна кўкнори ва наша етиштиришга мажбур бўлади.

**ТУРФА ОЛАМ
ТУРФА ОДАМЛАР**

**ТУТИҚУШ —
ФУТБОЛГА ИШҚИБОЗ**


Жанубий Африканинг Сирос шаҳрида яшовчи Шенхуберлар оиласида Робин лақабли тутиқуш яшайди. Робин ойнаи жаҳон кўрсатувларини, айниқса, ундаги футбол ўйинларини мириқиб томоша қилади. Кўрсатув давомида тути хўжайинининг авзоёига қараб гапира бошлайди. Айтايлик, бирон футболчи тўпни олдириб қўйди, шунда Робин соҳибни билан биргаликда «Майдондан йўқол, ландовур», «Сеубуу, ўрнинг ўйингоҳда эмас, далада», деб қичқиради. Яхши ўйнаётган ўйинчини эса: «Яшавор, офарин!» деб мактайди. Футбол учрашувлари кўрсатиладиган кун Шенхуберлар оиласидагилар тутисининг «маҳорати»ни кўрсатиш учун дўстларини ўз хонадонига таклиф этиб туради.

**ОПЕРАЦИЯ
МУВАФФАҚИЯТЛИ
ТУГАДИ**

Намибия пойтахтидаги ҳайвонот боғи дўхтирлари сувда ва қуруқликда яшовчи тошбақани роппа-роса 3 соат операция қилишиб ҳаётга қайтаришди. Унинг ичига кум тўлиб қолган экан. Дўхтирлар аввал тошбақа косасини тешиб «дарча» очдилар, сўнг ичакни тиббий йўл билан ювишди. Бу ишларнинг бари тошбақага нарқоз берилгандан сўнг бажарилди ва операция муваффақиятли тугади.

**ТИББИЁТГА
ШОН-ШАРАФЛАР**

Германиянинг Бонн шаҳрида яшовчи 18 ёшли аёл Марион автомобил фалокати оқибатида ҳалок бўлди. Унинг қорнида 3 ойлик ҳомиласи бор эди. Шифокорлар қанчалик уринишмасин Марионни ҳаётга қайтара олишмади. Бироқ шифокорлар усталик билан қориндаги эмбрионни махсус тиббий ускуналар ёрдамида тирик «ушлаб» туришди. Бу ускуналар эмбрионда қон айланишини, нафас олишни маромида сақлаб турди. Кейинчалик дунёда биринчи марта мурдадан тирик чақалок олиниб, катта шовшувга сабаб бўлди. Нима дердик, замонавий тиббиётга шон-шарафлар бўлсин, деймиз-да.



Тузувчи: Ф. МАМАШАРИПОВ

АНА ХОЛОС

**ИШОНМАГИН
ДЎСТИНГА...**

Германиянинг молиявий пойтахти Майн буйидаги Франкфурт шаҳрида жойлашган банкларга етказилиши мўлжалланган 10 миллион евро (8 миллион 750 минг доллар) зирҳланган инкассатор машинаси ҳайдовчиси ўмариб кетган. Бу ҳақда полиция ахборотида асосланиб Reuters агентлиги хабар тарқатди.

Унда айтилишича, ҳайдовчи шериғининг чаққасига тўппонча тираб, қўлига кишан солган, икки ҳамтовогини машинага миндириб олган. Шундан сўнг улар автомобилни ер ости сақлаш жойларидан бирига олиб боришиб, пул тўла тўрт метал қутини бошқа машинага ортиб, гоийб бўлишган.

Ўткинчилар шўрлик инкассаторнинг қичқирғини эшитиб қолгангина, полиция воқеадан хабар тольган.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА-1: Линдрен. 4. Пирамида. 7. Герц. 8. Тайфун. 9. Нола. 10. Клинтон. 14. Монолог. 17. Наҳш. 18. Кедр. 19. Нант. 21. Метатега. 23. Механика. 27. Замира. 28. Дара. 29. Пакт. 32. Африкат. 34. Самандар. 36. Фудзияна. 38. Олақўзан. 40. Икра. 41. Байкал. 43. Аммо. 44. Амазонка. 47. Виктория. 50. Тарз. 51. Дидла. 52. Лир. 53. Адам. 55. Мим. 56. Октоэдр. 59. Фермент. 65. Саид. 66. Каклик. 67. Сабр. 68. Маккини. 69. Нептуний.

БҮЙИГА-1: Лавр. 2. Рицин. 3. Нетто. 4. Панно. 5. Рондо. 6. Ария. 7. Гук. 11. Линза. 12. Тощ. 13. Нок. 14. Мир. 15. Нон. 16. Олтин. 20. Аппендицит. 21. Милта. 22. Азот. 23. Марс. 24. Адир. 25. Барбаросса. 26. Елим. 30. Аруз. 31. Амма. 33. Куя. 35. Ана. 36. Фараз. 37. Абба. 38. Олов. 39. Наряд. 42. Карта. 45. Зулук. 46. Нор. 48. Ким. 49. Осмон. 53. Амр. 54. Миф. 56. Окс. 57. Ойдин. 58. Даки. 60. Елкан. 61. Мис. 62. Турин. 63. Зулм. 64. Алой.



— Самоларни кўчгив, варагим!

**ДОНОЛАР
ЕМИШКИ...**

Билмагани сўраб ўрганган олим, Орланиб сўрамаган ўзига золим.
Алишер НАВОЙИ

Одамлар учун битта бало-офат бордир, у ҳам бўлса жаҳолатдир.
Ундан халос бўлиш учун битта дори-маҳкам бордир, у ҳам бўлса илм оlishдир.

Д. ПИСАРЕВ,
рус публицисти

Жаҳолат ойсиз, юлдузсиз, зимистон тундир.

ЦИЦЕРОН,
қадимги Рим файласуфи

Маърифат озодлик, жаҳолат қулликдир.

Пьер БЕРАНЖЕ,
француз шоири.

Ижтимоий офатларнинг асосий манбаи жаҳолатдир.

Олим жоҳил кишининг ҳолини тушуна олади, чунки ҳали ўқмаган, илм олмаган чоғларида ўзи ҳам шундай бўлган. Жоҳил киши олимни ҳеч қачон тушуна олмайди, чунки у ҳеч қачон бундай бўлмаган.

Клод ГЕЛЬВЕЦИЙ,
француз файласуфи

Бирор нарсани билмай қолиш уят ҳам эмас, зарар ҳам эмас, зеро ҳеч қим ҳамма нарсани биратўла билмайдми. Билмаган нарсанинги биламан деб кеккайиш эса ҳам уят, ҳам зарарлидир.

Лев ТОЛСТОЙ,
рус ёзувчиси

Ўзини ҳамма нарсани биламан деб ҳисоблайдиган кишилар алақибатда энг жоҳил, билимсиз бўлиб чиқадилар.

Маргарита НАВАРСКАЯ,
француз ёзувчиси

Ўзини олим деб ҳисоблайдиган подон, жоҳил кишилардан сақланинглар.

КАЙКОВУС,
форс мутафаккири

Равон, текис йўл бўйлаб бораётган киши, агар оқсоқ бўлганда ҳам, йўлсиз чақалакзорлар оралиб юзуриб бораётган кишидан илгарироқ манзилга етади.

Ф. БЭКОН,
инглиз файласуфи

КАХ-КАХА

— Ойижон, менга пул беринг, — деди ёш бола онасига, — уйимиз бурчагида камбағал бир киши турибди.
— Ораси унга пул берар экан, сўради:
— У киши уй бурчагида нима қилапти?
— Нима қиларди, ойижон, музқаймоқ сотаяпти-да.
— Нега энди уни камбағал деб ўйлайсан?
— Камбағал бўлмаса, шундай ширин музқаймоқларини сотармиди?

— Икки овчи суҳбатлашиб қолишди.
— Итим асл исковуч ит-да, — мактанди биринчиси. — бир қақирим узокликда туриб ҳам хидимдан таниб, ёнимга югуриб келади.
— Итинги кўпам мактайверма, — деди иккинчиси, — яхшиси, ҳаммомга тушиб чўмилиб чик, шундан кейин кўрамиз.

Бир киши «Эски-тускилар магазини»да сотувчидан сўради:
— Хоним, анави бурчақда турган, бетлари бурушган ҳайкал қанча туради?
— Жим, бу ҳайкал эмас, магазинимиз директори-ку.

Куролларни тозалаш пайтида зобит ёш жангчидан сўради:
— Жангчи Майер, куролларни тозалаш пайтида жангчи биринчи навбатда нимага эътибор бериши керак?
— Куролнинг ҳисоб рақамига, — деди жангчи ҳозиржавоблик билан.
— Негга энди ҳисоб рақамига эътибор бериш керак?
— Жаноб зобит, адашиб бировнинг милтигини тозалаб қўймаслик учун-да.

Немис тилидан йўлдош ПАРДА таржимаси

КРИМИНАЛ

АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

Мексика полицияси мамлакатдаги энг йирик нарқоборан Бенжамин Ареллано Феликснинг ҳибсга олинганини маълум қилди.
У акиси Рамон билан 20 йил мобайнида АҚШ билан чегарадош Тихуана вилоятидаги нарқоюшмага бошчилик қилган эди. Мазкур ташкилот Мексикадаги энг хавфли жиний уюшмалардан ҳисобланади.
Бенжамин Феликс февраль ойида Мацатлан курортда юз берган отишмада ўлдирилган киши акиси Рамон эканлигини тан олган. Мазлумки, номаълум кишилар ўзларини марҳумнинг қариндоши сифатида таништириб жасадни ўликхонадан олиб кетишиб, ёқиб юборишган эди.
Полициянинг маълумотига кўра, Феликсни ҳибсга олишда биронта ҳам ўқ отилмаган. Унинг боши учун 2 млн. доллар тикилганини ҳибсга олсақ, мамлакат президенти Висенте Фокс мазкур операцияни «адолатнинг жуذا катта ғалабаси» сифатида баҳолаганини тушуна бўлади.
Маҳбус дарҳол Мехикодаги «хавфсиз жой»га олиб кетилган. Бенжамин Феликс бошчилик қилган жиний уюшма 300 дан ортик қотилликни амалга оширганликда гумон қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси округ ҳарбий прокурори С. Абдуллаевга отаси **Аҳдамжон АБДУЛЛАЕВ**нинг вафот этганини муносабати билан чухур ҳамдардлик билдиради.